

КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИДА ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375689>

Аннотация. Мазкур мақола ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий кичик бизнес бошарувидаги инфратузилма фаолиятини кенгайтириши йўналишлари ва чоратадбирларига багишланган. Шунингдек, бизнес муҳитининг қулайлашувига инфратузилма элементларининг таъсири ва йўналишлари муаллиф томонидан тадқиқ этилган. Бизнес инфратузилмаси ва бозор инфратузилмаларини ривожлантиришининг асосий мақсадлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Кичик бизнес инфратузилма фаолиятини кенгайтириши йўналишлари аниқланган ва бу борада хуносалар билдирилган.

Калим сўзлар: Кичик бизнес, бошқарув, инфратузилма, бизнес муҳити, бизнес инфратузилмаси, бозор инфратузилмалари, инфратузилма элементлари.

НАПРАВЛЕНИЯ РАСШИРЕНИЯ ИНФРАСТРУКТУРНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УПРАВЛЕНИИ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация. Данная статья посвящена направлениям и мерам расширения инфраструктурной деятельности в управлении современного малого бизнеса в условиях цифровой экономики. Также автором исследуются влияние и направления элементов инфраструктуры в бизнес-среде. Научно проанализированы основные цели развития бизнес-инфраструктуры и рыночной инфраструктуры. Определены направления расширения инфраструктурной деятельности малого бизнеса и даны выводы.

Ключевые слова: Малый бизнес, управление, инфраструктура, бизнес-среда, бизнес-инфраструктура, рыночная инфраструктура, элементы инфраструктуры.

DIRECTIONS FOR EXPANSION OF INFRASTRUCTURE ACTIVITIES IN SMALL BUSINESS MANAGEMENT

Abstract. This article is dedicated to the directions and measures of expanding infrastructure activities in modern small business management in the current digital economy. Also, the influence and directions of infrastructure elements in the business environment are researched by the author. The main goals of business infrastructure and market infrastructure development are scientifically analyzed. The directions of expansion of small business infrastructure activity are determined and conclusions are given.

Keywords: Small business, management, infrastructure, business environment, business infrastructure, market infrastructure, infrastructure elements.

КИРИШ

Мамлакатда кичик бизнесни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири у ёки бу бизнес турини таъминлайдиган инфратузилманинг мавжудлиги ва ривожланиши ҳисобланади. Аммо инфратузилмани фаолияти учун малакали мутахассислар бўлиши зарур. Шу билан бирга, бизнес муҳитида муваффақиятли ҳаракатланиш учун фақат касбий билим ва қўникмаларнинг ўзи етарли эмас. Чунки бизнес юритишда нафақат касбий қўникма ва малакалар, балки бозор муносабатлари шароитиди фавқулоддаги ўзгаришларга тайёр турга оладиган амалий тажрибаларга эга бўлган кадрлар зарур. Агар

инфратузилмани юргизадиган малакали ва тегишли тажрибага эга бўлган кадрлар етишмас экан, замонавий бизнес ўз-ўзидан ривожлана олмайди.

Бизнесни ривожи учун ўзаро ҳамкорликка асосланган бошқа тегишли тармоқлар ва ташкилотлар бўлиши керак. Бошқача айтганда, кичик бизнесга хизмат кўрсатадиган ривожланган бизнес инфратузилмаси бўлиши керак. Инфратузилма – бу бизнес муносабатларининг ҳаракатини белгиловчи ва бу бизнес муносабатларни хилмачиллигини таъминлайдиган ташкилий-хуқукий шакллар йиғиндисидир.


Шунинг учун ҳам «кичик хусусийлаштириш» дастури бажарила бошлаши билан бутун савдо ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи амалда давлат тасарруфидан чиқарилди. Товарлар оқимининг мутлақо янги манбаларини яратишга қодир бўлган жуда кўп воситачи фирма ва идоралар пайдо бўлди. Эндиликда бозор инфратузилмасини такомиллаштириш учун бу соҳада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш ва улар касбий тайёргарлик даражасини оширувчи механизмни ишга тушуриш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бизнес муҳитининг кенгайиши учун бизнесни ривожига хизмат қиласидиган инфратузилма, кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиявий, меҳнат, ахборот ресурслари билан, шунингдек, транспорт, консалтинг, аудит, суғурта ва бошқа хизматлар фаоллигини ошириш зарур. Инфратузилмага банклар, фонд биржалари, реклама ва кадрлар агентликлари, суғурта, брокерлик, консалтинг ва аудит компаниялари, лизинг компаниялари, ижарачилар, хавфсизлик органлари, транспорт ва темир йўллар сингари кўплаб ташкилотлардан иборат элементлар киради. Кўриниб турибдики, ҳар бир соҳада ўзининг мутахассислиги асосида ишлайдиган кадрлар зарур бўлади (1-расм).

Демак, инфратузилма элементи – бу хизматнинг ихтисослаштирилган тури ёки кичик корхона фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ишлаши мумкин бўлган зарур шарт-шароитларнинг яратилишидир. Бу каби шарт-шароитларнинг яратилишида ҳам мутахассисларнинг етишмаётганлиги асосий омилга айланмоқда.


Инфратузилма элементлари



Бизнес муҳитининг қулайлашуви

1-расм. Бизнес муҳитининг қулайлашувига инфратузилма элементларининг таъсири

Фикримизча, бугунги кунда таникли иқтисодчиларнинг «...вилоятларда мавжуд Олий ўқув юртлари ҳамда бошқа ўқув тизимларда инвестицион лойиҳаларни тузиш, мулкни баҳолаш, брокерлик, корхона менежери, маркетинг соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитишни кенгайтириш зарурдир», деган мулоҳазалари ҳамон ўз кучини йўқотмаган. Ижтимоий тадқиқотларимиз натижаларида ҳам бозор инфратузилмаларида ишлиши керак бўлган мутахассисларнинг етишмаётганлиги ва шунинг учун уларнинг сонида йилдан йилга ўсиш сезиларли бўлмаётганлиги қайд этилган.



2-расм. Бизнес инфратузилмаси элементлари ва унинг ташкилий-хуқуқий шаклларига кўра уйғунлиги

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Демак бизнес мухитининг қулайлиги инфратузилма элементларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Лекин бунинг учун инфратузилмаларда иш билан банд бўлганларнинг ўзи пухта малакага эга бўлган мутахассислар бўлишлари зарур.

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, инфратузилма элементлари бизнес мухитини харакатга келтирадиган функцияга эга. Шундай қилиб, товарларни сотища қуидаги элементлардан фойдаланиш мумкин:

- 1) кредит тизими ва тиҷорат банклари;

2) товарлар, хом ашё, биржа ва валюта биржаларида воситачининг уюшган тарзда ташкил этилган фаолияти;

3) ким ошди савдоси, ярмарка ва бошқа биржага оид бўлмаган воситачиликнинг шакллари;

4) тижорат хўжалик таваккалчиликларини суғурта қилиш тизими, шунингдек, суғурта (давлат ва нодавлат) компаниялари;

5) савдо палаталари, бошқа жамоат ва ишбилармон доираларнинг ихтиёрий давлат-жамоат ҳамжамиятлари;

6) божхона тизими;

7) тижорат – кўргазмали мажмуалар;

8) эркин тадбиркорликнинг маҳсус зоналари ва бошқалар (2-расм).

Бошқача айтганда, инфратузилма элементлари мажмуи бизнес (яъни бизнес) инфратузилмасини шакллантиради. «Бизнес инфратузилмаси – бу корхоналар фаолияти учун зарур бўлган бизнес муҳитининг бир қисмидир».

Бизнес инфратузилмаси – бу бизнес юритишга воситачилик қиласиган ва бу муносабатларни яхлит боғлайдиган ташкилий-хуқуқий шаклларнинг уйғулигидир. Бизнес инфратузилмаси элементларига: кредит тизими ва банклар, солиқ тизими ва божхона тизими, кадрлар тайёрлаш тизими барча турдаги (яъни, товар, хом ашё, меҳнат, фонд, валюта) биржалар ва нобиржа (яъни аукционлар, ярмаркалар, реклама агентликлари, тижорат-кўргазмали комплекслар, савдо палаталари) фаолиятидаги бозор субъектлари, суғурта, консалтинг ва аудит компаниялари, бизнес фаоллигини рағбатлантирувчи жамиятлар ва давлатга қарашли жамият жамғармалари, ахборот технологияларига асосланган ишбилармон коммуникация воситалари, касаба уюшмалари киритилиб, улар ўртасида ўзаро воситачилик мукаммал ташкиллаштирилган бўлиши керак.

Замонавий бизнес инфратузилмаси қуйидаги функцияларни бажаради:

1) бизнес муносабатларини расмий ташкиллаштириш (лойиҳалаштириш, нотариал иш ва бошқалар);

2) бизнес муносабатлари иштирокчиларига уларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, реклама ва ҳқ.;


3) турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян функцияларни бажаришига йўналтирилганлиги натижасида бизнес субъектларининг ҳаракатчанлиги ва самарадорлигини ошириш (таъмирлаш, транспорт, алоқа ва бошқалар);

4) тадбиркорликни хуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шаклларини соддалаштириш (суд, адвокатлик, солиқ инспекцияси ва бошқалар).

Бизнес муҳитида барча бизнес юритувчи субъектларнинг ўзаро манфаатлари келишувидаги уйғунык, барча бизнес иштирокчилари томонидан контрагентларининг суверенитетини бузмаслик бўйича ўзаро мажбуриятини англатади. Ушбу мажбуриятлар томонларнинг ўзаро манфаати асосида ишchan муносабатларни ривожлантириш ва доимий такрорлаш жараёнида шаклланади.

Турли соҳаларда инфратузилма элементларининг қанчалик даражада қўплиги, кичик бизнес фаолияти қўлламишининг шу қадар кенглигини англатади. Шундай экан, кичик бизнес фаолияти учун инфратузилмани шакллантириш жараёни доимий бўлиб, у хизматларнинг ихтисослашиши, уларнинг номенклатурасини кенгайтириш ва сифатини

яхшилашга қаратилган бўлиши керак. Инфратузилма субъектлари сони қанчалик кўп бўлса, тадбиркорлик энг мақбул ривожланаётган бизнес муҳити шунчалик яхши бўлади.



3-расм. Бозор инфратузилмаларини ривожлантиришдаги асосий мақсадларнинг бизнес муҳитининг қулайлашувига йўналтирилиши ХУЛОСА

Демак, кичик бизнес субъектларининг фаол ривожланиши инфратузилмаларнинг микдорига ва рақобатига боғлиқ бўлар экан, бизнес муҳити ҳам шунга қараб қулай ва ишchan бўлиб боради. Бугунги кунда инфратузилма обьектларининг кўпайишига қарамай, уларнинг миқдорини аниқлайдиган мониторинг ишга туширилмаган. Қолаверса, тадбиркорлар учун инфратузилма обьектларининг фаолиятини сифатли ёки рақобатли деб айттолмаймиз. Кичик бизнес субъектлари инфратузилма муассасаларининг турли бўғинларидан фойдалана олишида ҳар турдаги иқтисодий ва маъмурий тўсиқларга учраш ҳолатлари мавжуд.

Бугунги кунда бозор инфратузилмалари фаолиятини яхшилаш ва уни ривожлантиришдаги асосий мақсад кичик бизнес субъектлари учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни самарали ташкиллаштиришdir. Аммо бу каби соҳа обьектлари фаолиятини самарали ташкиллаштириш малакали кадрларнинг мавжудлигидагина амалга ошади. Бозор инфратузилмаларининг фаол ишлаши нафақат кадрларнинг малакаларига балки, кадрлардаги касбга бўлган меҳр, фидоийлик, адолатли ва виждонли бўлиш ҳамда инсофлийк фазилатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу каби фазилатларсиз нафақат бизнес муҳитининг, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган тўла-тўқис

ислоҳотларнинг ҳам самарали бўймаслиги барчамизга маълум. Бу каби мулоҳазаларимизни З-расм орқали аниқроқ тушуниб олиш мумкин. Ушбу расмда келтирилганидек, бизнес мухитиниг қулайлашуви жойлардаги малакали мутахассисларга кўпроқ боғлиқ.

REFERENCES

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 99-бет.
2. Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқ. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқариш. –Т.: Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 337-бет.
3. Менеджмент малого бизнеса: Учебник/ Под ред. проф. М.М.Максимцева и проф. В.Я.Горфинкеля. –М.: Вузовский учебник, 2007. С. 200.
4. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
5. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
6. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
7. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
8. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
9. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
10. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
11. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
12. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
13. M.D Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
14. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
15. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022

16. D. Maxmudova "КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ" *Science and innovation* 1 (A7), 435-445. 2022
17. D. Maxmudova "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ" *Science and innovation* 1 (A7), 446-450. 2022
18. D. Maxmudova "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ" *Science and innovation* 1 (A7), 451-461. 2022
19. D. Maxmudova "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ" *Science and innovation* 1 (A7), 462-469. 2022
20. D. Maxmudova "ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР" *Science and innovation* 1 (A7), 470-781. 2022
21. D. Maxmudova "ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ" *Science and innovation* 1 (A7), 482-488. 2022